2011 йил 2 декабрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 234 (12.045)

Баҳоси эркин нархда

## ХХI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги фармойишига асосан, Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, илмий маслаҳат кенгаши аъзолари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

**● Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Биз — бунёдкор халқмиз» мавзуидаги энг яхши фотоасарлар танловининг якунига бағишланган кўргазма ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда мамлакатимиз Конституциясининг 19 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур кўргазмага истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда эришилган ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари акс этган ранг-баранг фотосуратлар қўйилган.**

**● Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан мамлакатимизда кимёвий моддалардан фойдаланишга оид фаолиятни мувофиқлаштириш, бу борадаги халқаро стратегик ёндашувларни амалга ошириш механизмларини жорий этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, эколог олимлар, йирик саноат корхоналари мутахассислари, журналистлар иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Таиландда юз берган сув тошқинлари сабаб қурбон бўлганлар сони 661 нафарга етди, уч киши бедарак йўқолган. Бу ҳақда «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Табиий офат натижасида мамлакат маркази ва жанубидаги 14 та музофот жиддий зарар кўрган. Мазкур ҳудудларда кўплаб турар жой биноларини сув босган, қарийб 5 миллион аҳоли бошпанасиз қолган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, давлат иқтисодиётига 43 миллиард АҚШ доллари миқдорида зиён етган. Таиланддаги тошқинларга сурункали ёққан ёмғир сабаб бўлган.**

**● Филиппинда 6 балли зилзила содир бўлди. Унинг кучли таъсири, асосан, Лусан оролида сезилган. Ер силкиниши маркази Олонгапо шаҳридан 152 километр, пойтахт Маниладан 230 километр узоқликда қайд этилган. Талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ.**

**● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотлар базаси хакерлар ҳужумига учради, дейилади «BBC News» хабарида. Натижада 100 нафар ходим иш компьютеридан фойдалана олмай қолган. Аниқланишича, ушбу қабиҳлик «The Team Poison» хакерлар гуруҳи томонидан амалга оширилган. Улар бунгача ҳам кўплаб мамлакатларнинг ҳукумат порталлари ва ҳарбий тизимларга оид маълумотлар базасини бузиб киришга муваффақ бўлган. Хакерлар қилмиши туфайли биргина 2010 йилда компьютердан фойдаланувчилар 114 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган. Чунки антивирусларни тез-тез янгилаб туриш анчагина маблағ талаб қилади.**

**● «Mercer» компанияси томонидан олиб борилган сўровномада Вена энг намунали шаҳар деб топилди. Рўйхатда иккинчи ва учинчи ўринларни Швейцариянинг Цюрих ҳамда Янги Зеландиянинг Окленд шаҳарлари эгаллаган. Айтиб ўтиш жоизки, бу номга лойиқ кентни аниқлашда у ердаги инфратузилма ривожи, тиббий ва ижтимоий муассасаларда хизматлар сифати, даромадли иш топиш учун яхши имконият мавжудлиги ҳамда сиёсий ва иқтисодий барқарорликка асосий эътибор қаратилади.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида, барча жабҳаларда бўлгани каби, ҳарбий соҳада ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда миллий армиямизни такомиллаштириш, унинг профессионал даражасини янада ошириш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.**



**Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан**

## ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ БЎЛИШ БАХТИ

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.
**(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 52-модда).**

Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ҳар бир Ватан ҳимоячиси зиммасидаги шарафли ва муқаддас вазифа масъулиятини теран англайди. Жисмоний-маънавий тайёргарлиги ва ҳарбий салоҳияти ошиб бораётган ҳарбийларимиз орасида танкчиларнинг ҳам ўз ўрни бор. Ҳарбий қисмлардан бирида танкчилар ҳузурида бўлиб, уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

Катта лейтенант Муҳаммад Қидирниязов – Қорақалпоғистондан. Билими ва етакчилик салоҳияти билан сафдошлари орасида яққол ажралиб туради.

Муҳаммад Қидирниязов Ўзбекистон Қуролли Кучлари бўйича ўтказиб келинаётган кўрик-танловларда ҳам фаол иштирок этади. У 2009 йилда «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловининг «Энг илғор гуруҳ командири» номинацияси бўйича финал босқичида фахрли ўринни эгаллаган. «Энг илғор экипаж» кўрик-танловида ҳам ҳарбий округ бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Бухоролик кичик сержант Нодир Азимов ҳам шу ҳарбий қисмда шартнома бўйича хизмат қилади. Ҳарбий соҳага қизиқиши туфайли Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиди. Нодир хизмат жараёнида сержантларга билдирилаётган катта ишонч ва ўз зиммасидаги масъулиятга муносиб бўлишга ҳаракат қилмоқда. У айни пайтда танк экипажи командиридир. Экипаж аъзоларига нисбатан доимо талабчан, уларни ўз вазифаларини бекаму кўст бажаришга ундайди.

Командирларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари амалга ошираётган ишлар бугунги кунда миллий армиямизни янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини ҳарбий хизматчилар онгу шуурига сингдириш, маънавий-маърифий суҳбатлар ва тадбирларни юқори савияда ўтказиш, шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолати доимо юксак даражада бўлишини таъминлашга қаратилган.

Бу борада взвод командирининг ўринбосари, катта лейтенант Мирзоҳид Шокировнинг тажрибаси эътиборга лойиқ. Андижонлик бу йигит 2004 йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тамомлаган. Оиласи, икки ўғли бор.

Мазкур ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, офицер Жаҳонгир Ҳайитов кўплаб оддий аскарлар, сержантлар ва офицерларнинг номларини фахр билан тилга оларкан, уларнинг дил сўзларини ифодалаб, шу муқаддас Ўзбекистон осмонининг мусаффолиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш, бу йўлда бор куч-ғайрати, билим ва тажрибасини сафарбар этиш ҳарбийларимиз учун нафақат шарафли бурч, балки олий бахт эканини таъкидлади.

**Феруз ХОЛМИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**

## ЁШЛИК ВА БАРКАМОЛЛИК ФЕСТИВАЛИ

**Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида миллати, ирқи, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг таълим олиши, эркин касб танлаши, саломатлигини мустаҳкамлашига доир ҳуқуқ ва имкониятлар мустаҳкамлаб қўйилган.**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан «Истиқлол» саройида ташкил этилган «Истиқлол умидлари» III ёшлар фестивалида бу жиҳатлар яна бир карра ўз ифодасини топди. Унга шаҳардаги умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим даргоҳларининг ўқувчи-ёшлари, ўқитувчилар таклиф этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларга таълим-тарбия бериш борасида замонавий тизим яратилганини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, кўплаб фармон ва қарорлар, ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар навқирон авлодни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб камолга етказишга хизмат қилмоқда.

Ижтимоий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида барча ҳудудларда барпо этилаётган таълим даргоҳлари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт мажмуалари, болалар ижодиёти, «Баркамол авлод» марказлари ёшлар салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этаётир.

«Истиқлол умидлари» фестивали доирасида ташкил этилган болалар бадиий ижодиётига оид кўргазмада санъат, миллий ҳунармандлик йўналишидаги таълим масканлари ўқувчиларининг ижодий ишлари намойиш этилди.

– Президентимиз Ислом Каримов томонидан кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик самарасида, ўқув даргоҳимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди, – дейди Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори Баҳром Қурбонов. – Жорий йилнинг ўзида ўқувчиларимиз республика ва халқаро миқёсда ўтказилган қирқдан зиёд нуфузли фестиваллар, кўрик-танловларда муваффақият қозонгани ана шу меҳр ва эътиборнинг натижасидир.

Фестиваль иштирокчиларидан бири – Жавоҳир Рашидов Республика рассомлик коллежида ўқийди. Унинг лок миниатюраси, ёғоч ўймакорлигига доир ижодий ишлари республика кўрик-танловларида мутахассислар томонидан юқори баҳоланган.

– Мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, комил инсонлар бўлиб вояга етиши йўлида барча шароит ва имкониятлар яратилган, – дейди Жавоҳир. – Тинч ва осуда, фаровон ҳаётимиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жонажон Ўзбекистонимизга муносиб фарзанд бўлиш биз, ёшларнинг бурчимиздир.

Фестивалда таълим, спорт бўйича яхши натижаларга эришган ўқувчилар, уларнинг ўқитувчиларига диплом ва совғалар топширилди.

Ёшлик, баркамоллик, маънавият ва маърифат байрамига айланган фестивалда санъат усталари, ижрочи ёшлар ва бадиий жамоалар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Депутатлар 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши тўғрисида Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоларининг ташаббусига кўра киритилган парламент сўрови бўйича Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Ҳаитов томонидан тақдим этилган ахборотни эшитдилар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ БЎЛИБ ЎТДИ

Маърузачи жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида мамлакатимизда 815,5 мингта иш ўрни, шу жумладан қишлоқ жойларда 512,4 мингта иш ўрни ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлади. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида иқтисодиётда банд бўлган одамлар сони 2,5 фоизга ошиб, 11,9 миллион нафарга яқинлашди. Иқтисодиётнинг нодавлат секторида банд бўлганлар 79,4 фоизни, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганлар 74,2 фоизни ташкил этди. Аҳоли бандлиги ўсишининг энг юқори суръатлари қурилиш, уй-жой-коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт ва алоқа соҳаларида қайд этилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури, кичик бизнесни ривожлантириш ҳудудий дастурлари чора-тадбирларини амалга ошириш, мақбул ишчанлик муҳитини шакллантириш, солиқ имтиёзлари бериш, кредитлаш ва маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги ҳисобига кичик бизнес соҳасида 296,1 мингта, хусусий тадбиркорликда 89,7 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Қонун ҳужжатларида кичик бизнес субъектларига қатор солиқ имтиёзлари берилганлиги янги иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантирди. Хусусан, 2011 йилнинг 1 июнидан эътиборан ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарлар ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик корхоналар ходимларининг ўртача йиллик сони 50 нафардан 100 нафаргача кўпайди. Ёшларнинг иш билан банд бўлишини таъминлаш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналарга ходимларнинг ўртача йиллик сонининг энг кўп миқдорини олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини ишга қабул қилиш ҳисобига 20 фоизгача оширишга рухсат этилди. Бунда мазкур корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар сақлаб қолинади.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжумани «Мавсумий сел ва кўчкилар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш тадбирлари» мавзусига бағишланди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Тошкент имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган махсус касб-ҳунар коллежида Халқаро ногиронлар кунига бағишланган маданий-маърифий тадбир ташкил қилинмоқда.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 19 йиллиги муносабати билан Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Конституциямиз — Бош қомусимиз» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ




**Конституциямизнинг 13-моддасида эътироф этилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари тингловчилари, ички ишлар идоралари масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари С.Нурматов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилаётгани, инсон ҳуқуқлари юксак даражада қадр топаётганини алоҳида таъкидлади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича миллий институтлар фаолияти йўлга қўйилгани, соҳада узлуксиз таълим ва маърифий ишлар олиб борилаётгани, ҳуқуқий мавзуда йигирмадан зиёд ихтисослашган журнал ва газеталар чоп этилаётгани бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширмоқда. Ушбу йўналишда замонавий ахборот-ресурс марказлари ҳам фаолият юритмоқда.

Ички ишлар вазирлигида ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази шулардан биридир. Замонавий ахборот-технологиялари билан таъминланган ушбу марказнинг компьютерлар базасида миллий қонунчилик асослари, инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўлида қабул қилинган халқаро аҳамиятга молик ҳужжатлар жамланган. Соҳа ходимлари улардан фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Шунингдек, ички ишлар ходимларининг бу борадаги малакасини ошириш, ушбу мавзуда семинар-тренинглар ўтказиш, ҳужжатлар ва адабиётлар чоп этиш ҳамда давлат идоралари, судлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ҳамкорлик механизмининг самарадорлигини кучайтиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Ички ишлар вазирлиги тизимида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ташкил этилгани бунда муҳим аҳамият касб этаётир.

**Халқимиз жангчилар, Ватан ҳимоячиларини азалдан ҳурмат қилган, эъзозлаган. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий мақоми янада юксалди. Бош Қомусимизда Қуролли Кучлар Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилиши белгиланган. Конституциямизда Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги қайд этилган.**

# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – тинчлик-осойишталик ва барқарор тараққиёт кафолатидир» мавзуида бўлиб ўтган семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Ҳарбий прокуратура ва Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ҳарбий прокурор, адлия генерал-майори Шуҳрат Узоқов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қодир Жўраев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши натижасида мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қодир замонавий армияни шакллантиришга доир кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилди. Мустақиллик йилларида «Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Мудофаа тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди.

– Бундай изчил чора-тадбирлар самарасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий қудрати ва имкониятлари сезиларли равишда ошди, соҳада жиддий ўзгаришлар рўй берди, – дейди Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ўқув бўлимининг офицери, майор Шоира Мирабдуллаева. – Ҳарбий хизматни ўташ, аскарларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши асосий мақсадга эришиш имконини берди. Бугунги кунда миллий армия сафларида хизмат қилиш ҳар бир фуқаро учун нафақат конституциявий бурч, балки шарафли ишга айланди. Буни сўнгги ўн йилда муддатли ҳарбий хизматни ўташ истагида бўлган йигитлар сони бир неча баравар кўпайгани, ўз ҳаётини шу касбга бағишлаганлар кўпчиликни ташкил этаётгани ҳам тасдиқлайди.

**(ЎзА)**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Давлат солиқ ва статистика қўмиталари, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда тадбиркорлар иштирокида Идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.**

Йиғилишда мутасадди идоралар томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг ижроси муҳокама қилинди.

Йиғилишда мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси яратилганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлиги эътироф этилди.

Шу жумладан, прокуратура органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 200 мингдан ортиқ тадбиркорлар билан бевосита 4000 дан зиёд учрашувлар ўтказилиб, 3400 га яқин тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилганлиги, бунинг натижасида 6500 та янги иш ўринлари яратилганлиги қайд қилинди.

Шу билан бирга, айрим маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органлари ҳамда назорат-текширув органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноқонуний аралашиш, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ва ҳуқуқларини бузиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги қаттиқ танқид остига олинди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўрни яратишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган қонунларга сўзсиз амал қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда иштирок этган тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказилиб, муҳокама қилинган масала бўйича фикр алмашилди, шунингдек, тадбиркорлар давлат бошқарув ва назорат-текширув органлари масъул ходимларидан ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ ва атрофлича жавоб олдилар.

Йиғилиш якунида мутасадди идораларга тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, бу борада мансабдор шахсларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини кескин оширишга қаратилган тегишли тавсиялар берилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокуратураси Матбуот хизмати**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ БЎЛИБ ЎТДИ

***(Давоми. Боши 1-бетда)***

Умуман олганда, депутатлар 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг бажарилиши иш ўринларига талаб юқори бўлган минтақаларда, хусусан Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Тошкент, Бухоро ва Наманган вилоятларида иш ўринларини кўпайтиришга хизмат қилганлигини таъкидладилар. Шу билан бирга депутатлар Дастурнинг жойларда бажарилишига оид кўрсаткичларни ўрганиш чоғида ушбу йўналишда қўйилган вазифаларни янада самарали бажаришга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар ва камчиликларни аниқладилар.

Депутатлар таъкидладиларки, мамлакатнинг айрим минтақаларида янги корхоналарни ишга тушириш ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ҳамда кенгайтириш, кичик корхоналар, микрофирмалар барпо этиш, хусусий якка тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан иш ўринларини яратиш борасида оқсаш ҳолатлари мавжуд. Расмий равишда тақдим этилган материаллар ва маълумотномаларда ноxолис маълумотларни акс эттириш ҳоллари ҳам учрайди ва улар бу соҳадаги статистика маълумотларини шакллантириш ҳамда таҳлил этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Депутатлар буларнинг барчаси бундай тажрибага йўл қўймасликка доир комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини талаб этишини билдирдилар.

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни атрофлича муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни маълумот учун қабул қилди ҳамда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Матбуот хизмати**

**Қарор ва ижро**

**Нақд пул тушуми истиқбол кўрсаткичларини яхшилаш, банкдан ташқари нақд пул муомаласини қисқартириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан солиқ идоралари бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда республикамиз ҳудудида фаолият юритаётган АЁҚШларда нефть маҳсулотлари билан савдо қилишда амалдаги қонунларга зид равишда фаолият юритиш ҳолатларини аниқлаб, улар фаолияти юзасидан назорат-тартиб ишларини олиб боришмоқда.**

# ҚОНУНИЙЛИК — БОШ МЕЗОН

Солиқ тизими ходимлари амалдаги қонунчиликнинг ижросини таъминлаш мақсадида бу борада мунтазам равишда АЁҚШларда қисқа муддатли текширувлар ўтказишмоқда.

Жумладан, Ҳамза туман ДСИ ходимлари қонунчилик талабларига риоя этилиши, нефть маҳсулотларининг белгиланган тартибда сотилишини назорат қилиш юзасидан жорий йилнинг 11 ойи давомида 4 маротаба қисқа муддатли текширув тадбирлари ўтказдилар. Натижада тўртта ҳолатда назорат-касса машинасидан фойдаланмаслик билан боғлиқ қонунбузарликлар аниқланган. Яъни умумий қиймати 3541,7 минг сўмлик пул маблағлари ўз вақтида назорат-касса машинаси хотирасига киритилмаган ва инкассация қилинмаганлиги маълум бўлди. Мазкур ҳолатлар бўйича Ҳамза туман ДСИси томонидан «Doniyorbek Servis» МЧЖ, «Sarvar Omad» МЧЖ, «Peteil Biznes» МЧЖ ва «Al Safina» МЧЖларга нисбатан 4896,9 минг сўм миқдорида молиявий жарималар қўлланилган.

Ўтказилган қисқа муддатли текширувда Ҳамза туман ДСИнинг «Солиқ текширишлари» бўлими ходимлари томонидан «Al Safina» МЧЖга қарашли АЁҚШ текширилганида оператор-кассир Ж.Алимджановнинг мижозга 15800 сўмга бензин маҳсулоти сотиб, НКМдан чек уриб бермаганлиги, кунлик савдодан тушган 15800 сўм пул маблағлари НКМ хотирасига киритилмаганлиги аниқланди.

Ушбу олиб борилган тадбирлар натижасида АЁҚШлар томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида назорат-касса машиналари ва терминаллардан фойдаланган ҳолда ноябрь ойи давомида жами 4450,7 млн. сўм маблағнинг банк муассасаларига топширилишига эришилган.

Қонунчилик нормаларида бундай маҳсулотларни назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаган ҳолда сотиш белгилаб қўйилган. Бу, ўз навбатида, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш имконини беради.

Ҳамза туман ДСИ томонидан рўйхатдан ўтган АЁҚШларда савдо қоидаларининг бузилишини аниқлаш, уларга қонунда белгиланган тартиб, имтиёзлар ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида, туман ҳудудидаги АЁҚШ шохобчаларида қонунбузилиши ҳолатларининг камайишига эришилмоқда.

**Сайдамир МИРЗАЕВ,**
**Ҳамза тумани ДСИ бўлим бошлиғи**

# ЮҚОРИ СИФАТЛИ ТЕЛЕКАНАЛ

**Тошкентда МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб HD форматидаги ерусти узатиш телеканали фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги арафасида — 2011 йил 29 ноябрь куни Тошкентда мазкур телеканалнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Журналистлар билан учрашувда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вакиллари мамлакатимизда HD (High-Definition) форматидаги телевидениенинг жорий этилиши тўғрисида батафсил сўзлаб берди.**

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасида рақамли ерусти телевидениесига ўтиш концепцияси ишлаб чиқилиб, ҳозир амалга оширилаётгани таъкидланди. Мазкур комплекс дастурни 2015 йилда ниҳоясига етказиш белгиланган.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги корхоналари Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида рақамли телевидениени изчил ва босқичма-босқич жорий этиш ишларини амалга оширмоқда. Бугунги кунда телевизор ёки рақамли тюнер харид қилган Тошкент шаҳри ва Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилаётган кишилар юқори сифатли тасвирга эга 12 та теледастурни томоша қилиши мумкин. Улардан 7 таси мамлакатимиз теледастурларидир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолисининг 36,7 фоизи рақамли телевидениедан фойдаланмоқда.

«Uz.HD» (юқори сифатли телевидение)нинг ишга туширилиши Ўзбекистонда телевидениени ривожлантиришнинг янги босқичи бошланганидан далолат беради. High-Definition television (HDTV) – юксак аниқлик телевидениесидир. У тасвирни юксак даражада тиниқлаштирувчи, одатдаги телевидение тасвир ҳажмини кенгайтирувчи, ранг ва товушни кодлаш бўйича энг янги рақамли технологиялардан фойдаланувчи юқори сифатли телевидение стандартлари тўпламидир. Бундан ташқари, ушбу янги телевидениеда тасвир ва товушни узатиш учун маълумотлар оқимини сиқишга асосланган тўлиқ рақамли технологиялар қўлланилади.

HD (High-Definition) форматидаги «Uz.HD» телеканали Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Медиамаркази имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида яратилди. «Uz.HD» телеканали эфирини мазмунан бойитиш пост-продакшн тамойили асосида энг яхши мавзулардаги дастурлар туркуми ва Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари ва бетакрор табиати, маданият, тарих, санъатнинг турли йўналишларига бағишланган бир марталик дастурлар, илмий-оммабоп, ҳужжатли фильмлар, миллий телесериаллар, драматик ва мусиқали саҳна асарларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Теледастурлар кечаю кундуз узатилади. Кўрсатувлар дастури турли томошабинлар аудиториялари қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# БАДИИЙ-ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

**Олмазор тиббиёт коллежида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда иқтидорли ўқувчи-ёшлар, ўқитувчилар иштирокида «Баркамол авлод учрашуви» мавзуида бадиий-ижодий кеча бўлиб ўтди.**

Тадбирда сўзга чиққан шоир Ахтамқул Карим маънавий қадриятларимиз, миллий меросимиз, адабиёт ва шеърият, бугунги кунда иқтидорли ёшларнинг ижоди, адабиётнинг долзарб масалалари ҳақида фикр юритди. Шоирнинг ижодидан намуналар тингланди. Ушбу коллеж ўқувчиси Феруза Муҳитдинова ўзининг «Орзулар қаноти» номли тўпламидан ўрин олган шеърларидан ўқиб берди.

«Ниҳол» мукофоти ва «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови совриндори, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг талабаси Малика Эгамбердиева ижро этган қўшиқлар, коллеж ўқувчиларининг ашула ва рақслари ёшларга кўтаринки руҳ бағишлади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

**Тадбирлар**

# БЕҒУБОР ЁШЛИКНИНГ УНУТИЛМАС ОНЛАРИ

**«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан пойтахтимизда жойлашган олий таълим муассасалари ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш мақсадида «Олтин давр остонасида» фестивали ўтказилди.**

Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтган мазкур тадбирда 500 га яқин истиқлол фарзандлари, олий ўқув юртлари ректорлари, профессор ўқитувчилар ва Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

Шунингдек, фестиваль доирасида 2010-2011 ўқув йилларида тенгдошлари орасида ташаббускорлиги ва иқтидори билан ўрнак бўлаётган, турли лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашган 25 нафар олий таълим муассасалари ва 11 нафар академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилот етакчиларига «Камолот ифтихорлари», «Йилнинг меҳнатсевар етакчиси», «Йилнинг ташкилотчи етакчиси» каби йўналишларда Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан таъсис этилган фахрий ёрлиқлар топширилди.

– «Камолот» ЁИҲ томонидан тақдирланганим менга ўзгача қувонч бахш этди, – дейди Тошкент автомобиль йўллар институти талабаси Ботир Эргашев. – Олийгоҳимизда доимо кўплаб лойиҳаларни биргаликда амалга ошириб, тенгдошларимиз билан ранг-баранг тадбирларда иштирок этдик. Тўрт йил давомида устозларим ўгити ва эгаллаган билимларим келажакда ўз фаолиятимизни олиб бориш, нотиқлик санъатининг мукаммал қирраларини билиш, шунингдек, одамлар билан ишлаш ва шу йўл билан эзгулик йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ўргатди десам муболаға бўлмайди.

Тадбир давомида эл суйган хонандалар томонидан янграган куй-қўшиқлар иштирокчиларга байрамона кайфият туҳфа этди.

**Садоқат АСЛАНОВА**

